



O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. «14» сентябрь № 324-КШ Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

“Каттакўрғон шаҳар Оби Ҳаёт кўчаси атрофидан Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи қуриши учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 285- сонли қарорига асосан ташкил этилган танлов савдолари юзасидан Самарқанд вилояти ҳокимлиги танлов комиссиясининг № 3-сон баённомаси, (№ 11/3-42-1 27.01.2018 й.) фуқаро Раимов Шохжахон Шерали ўғлининг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик ва Ер кодексларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги “Танлов савдолари ўтказиш комиссияси”нинг 2018 йил 27 мартдаги № 3-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Каттакўрғон шаҳар Семурғ кўчаси 15 уйда яшовчи фуқаро Раимов Шохжахон Шерали ўғлига Оби Ҳаёт кўчаси атрофидан бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи қуриш учун 1000 кв.метр ер майдони ажратилсин.

3. Шаҳар ҳокими ўринбосари (Б.Кенжаев) ва шаҳар бош архитектори (О.Розиқов)га, танлов ғолиби Раимов Шохжахон Шерали ўғли томонидан олиб бориладиган қурилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда танлов таклифига белгиланган муддатларда қурилиш ишлари олиб борилмаган тақдирда, танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида тузилган шартномани бекор қилиш бўйича таклиф киритиш вазифаси топширилсин.

4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими (О.Розиқов) ҳамда Каттакўрғон шаҳар “Самарқанд вилоят “Ермулккадастр” ДКнинг Каттакўрғон шаҳар филиали (У.Туропов) зиммаларига юклатилсин.

5. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (М.Жураев) га танлов ғолиби Раимов Шохжахон Шерали ўғлига Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи қурилиши учун ажратилаётган 1000 кв.метр ер майдонига нисбатан ҳаракатдаги қонунлар асосида солиқлар миқдорини белгилаш ҳамда ундирилишини назорат қилиш топширилсин.

6. “Самарқанд вилоят “Ермулккадастр” ДКнинг Каттакўрғон шаҳар филиали (У.Туропов)га, танланаётган ер майдонини “Ер Кодекси”нинг 23-моддаси 5-бандига асосан ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳамда ер хисоботига тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Кенжаев зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳокими

М.Хашимов